2003 YIL 12 SENTYABR, JUMA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№118 (6.643). Sotuvda erkin narxda

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

## Нукус шаҳрини «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига қўшаётган муносиб ҳиссаси, мураккаб экологик шароитга қарамасдан, ҳаётнинг кўплаб соҳаларида юқори натижаларга эришаётгани, юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва бойитиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасида шаҳар аҳли амалга ошираётган катта ишларни инобатга олиб ҳамда 70 йиллиги муносабати билан Нукус шаҳри «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 11 сентябрь



### КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

- **Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Италия парламенти Депутатлар палатаси раиси Пьер Фердинандо Казини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов билан учрашди.**
- **Тошкент вилоят ҳокимлигида «Ҳамдўстлик» халқаро аёллар клуби билан биргаликда «Мустақиллик. Маданият. Халқаро ҳамкорлик» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида мамлакатимизда фаолият юритаётган федерация ва ассоциациялар вакиллари, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ғани Мавлонов номидаги Сейсмология институтига хитойлик сейсмологлар томонидан қиймати 300 минг АҚШ долларига тенг бешта замонавий сейсмик станция топширилди.**
- **Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида ўзбек ва корейс мўйқалам усталари асарлари кўргазмаси очилди.**
- **Доимий фаолият кўрсатувчи Бухоро шаҳри ярмаркасида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли молларининг кузги-қишки ёйма савдоси ўтказилди.**
- **Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасида оила шифокорлари билим ва малакасини ошириш, оилавий поликлиникалар фаолиятини ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**
- **Қонликўл тумани шоликорлари Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб шоли ўримини бошлаб юборди.**
- **Бўстонлиқ туманидаги Семурғ оромгоҳида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Камалак» болалар ташкилоти раёсати йиғилиши бўлиб ўтди.**
- **Чиноз туманидаги С.Раҳимов номидаги ширкат хўжалигида олти минг кишига хизмат кўрсатувчи янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.**

# ОРОЛ БЎЙИДАГИ МУАЗЗАМ МАСКАН

САНА

***Шундай қутлуғ саналар бўладики, умумхалқ байрамига айланади, тўй-томошалар бир-бирига уланиб кетади.***

Ўн икки кун олдин мамлакат мустақиллигининг мучал тўйини нишонлаган Қорақалпоғистонда бугун яна бир тантана ғоят баланд руҳ билан нишонланмоқда. Бу – Президентимиз Ислом Каримов "Мамлакатнинг иккинчи пойтахти", дея таърифлаган Нукус шаҳрининг 70 йиллик юбилейидир.



Мазкур санани муносиб тарзда нишонлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 8 майдаги 155-сонли "Нукус шаҳрининг 70 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида"ги қарори қабул қилингандан кейин кенг кўламдаги қурилиш-монтаж, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. 500 квадрат километр майдонни эгаллаган ва чорак миллиондан ортиқроқ аҳоли истиқомат қиладиган Оролбўйидаги Нукус шаҳрида йирик саноат иншоотлари бунёд этиш, маъмурий бинолар қуриш, асосан, мустақиллик йилларида авж олдирилди. Шу даврда шаҳар аҳолиси 100 фоиз табиий газ, 70 фоизи тоза ичимлик суви билан кафолатли тарзда таъминланди.

-Тўйга тайёргарлик кўриш жараёнида ободонлаштириш ишлари кўнгилдагидек ташкил этилди, - дейди Нукус шаҳар коммунал хизматдан фойдаланиш бошқармаси бош муҳандиси Озод Идрисов. – Барча янги қурилган иморатлар, саноат иншоотлари марказий бозор, ўқув ўринлари, музейлар атрофлари бутунлай ўзгарди. Бундай катта кўламдаги юмушларни аъло сифатли қилиб ўринлашда нукусликларга бутун қорақалпоғистонлик коммунал хизмат ходимлари, айниқса, Бузатов, Беруний туманлари жамоалари яқиндан ёрдам беришди.

Бугун фойдаланишга топширилган мамлакатимиздаги энг йирик Санъат музейи эшиклари ихлосмандларга кенг очилди. Бу ердаги 90 мингга яқин экспонатларни, таъкидлаш жоизки, мазкур музейни ўзининг қадр-қиммати, аҳамиятга моликлиги билан жаҳонда олдинги ўринни эгаллайдиган авангард санъат намуналари ҳам кўз қорачиғидек сақлаш, намойиш қилиш учун барча шароитлар яратилган. Ўзига хос меъморий ечимга эга 3 квадратли ва 3 минг 100 квадрат метрлик кўргазма залига эга бўлган бу санъат кошонасини бунёд этиш учун 1,5 миллиард сўмлик иш бажарилди. Унинг кўп қисмини "Қорақалпоғистонсаноатфуқароқурилиш" ҳиссадорлик жамияти махсус жамоалари амалга оширди.

Шунингдек, "Қорақалпоқдонмаҳсулотлари" ишлаб чиқариш акционерлик уюшмасининг бош корхонаси, шаҳар дарвозаси – Нукус аэропорти, политехника коллежи, 5 минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр, темир йўл вокзали, Бердақ номидаги мусиқали театр биноси, республика касалхонаси сингари ўнлаб иншоотлар қайта таъмирланди. Байрам арафасида 2 та 20 хонадонга ва битта 32 хонадонга мўлжалланган бинолар қурилиши тугалланиб, ҳовли тўйлари ўтказилди.

Шаҳар ҳокимининг ўринбосари Аҳмед Наримбетовнинг таъкидлашича, Нукус кўчалари, хиёбонлари ва майдонлари ўзига хос гўзал қиёфа касб қилди. Жумладан, Халқлар Дўстлиги, Мустақиллик, Ажиниёз майдонлари шаҳарликлар ва меҳмонларнинг баҳри-дилини очадиган оромгоҳларга айланди. Шаҳар бўйича салкам 10 минг квадрат метрга безакли плиталар ётқизилди. Айни пайтда шаҳардаги 5600 та тунги ёритгичлар Нукуснинг тунда ҳам чароғон бўлишини таъминламоқда.




-Шаҳардаги Марказий деҳқон бозорини қайта реконструкциялаш, ободонлаштириш, янги хашаматли савдо расталари қурилиши аҳолини беҳад хурсанд қилди, - дейди Қорақалпоғистон халқ шоири Тўлибой Қобулов. – Дарҳақиқат, шаҳарнинг кўрки бозор экан. Буни 8,8 гектар майдонни эгаллаган марказий бозоримиздаги пала-партиш қурилган расталар ўрнига 2 минг савдо ўрни ташкил этилгани, сотувчига ҳам, харидорга ҳам қулайликлар туғдирилганининг гувоҳи бўлгач, тўла ишонч ҳосил қиляпмиз...

Маълумки, Нукус экологик ноқулай вазиятда жойлашган. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида аҳолига қулайликлар яратиш борасида қатор ишлар қилинди. Жумладан, нукусликлар саломатлигини сақлаш, мустаҳкамлаш, тоза ичимлик суви билан таъминлашга мўлжалланган йирик лойиҳалар ишлаб чиқилди. Улардан баъзилари амалга оширилди. "Қизкеткен" посёлкаси аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга йўналтирилган лойиҳа бўйича иш олиб борилмоқда. Нукусдаги бундан ярим аср олдин ўтказилган сув тармоқларини янгилаш, канализация тармоқларини кенгайтириш бўйича 7,5 миллион Швейцария франки ҳажмидаги лойиҳанинг биринчи босқичи муваффақият билан поёнига етди.



Бугун қутлуғ тўйини нишонлаётган Нукусда алоқа хизмати мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Шаҳарликлар ҳозир жаҳоннинг хоҳлаган нуқтаси билан 9 та замонавий АТСлар ёрдамида (шиша тола ётқизилган) бемалол телефон орқали гаплашишлари мумкин. Бу автомат телефон станциялари 45 минг мижозга намунали хизмат кўрсатмоқда.

Нукус том маънода саноат индустрияси ривожланган масканга айланди. Айни пайтда бу ерда 60 та йирик саноат ва қўшма корхоналар фаолият кўрсатаётир. Мустақиллик шарофати билан иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида ҳам айтишга арзигулик ютуқлар қўлга киритилди. Натижада 250 дан зиёд ўрта ва кичик бизнес корхоналари маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Келаси йили Қорақалпоғистоннинг энг истеъдодли, спортга меҳр қўйган 600 ўғил-қизларини ўз бағрига оладиган маскан қуриб битказилиши учун 1 миллиард 717 миллион сўм маблағ ажратилган. Шунингдек, умумий қиймати 1 миллиард сўмлик 120 ўқувчига мўлжалланган спорт мактаб-интернати ("Турон" ўйингоҳи базасида) қурилмоқда. Уни "Оролсувқурилиши" ҳиссадорлик жамияти бунёд этаяпти.

Биз бугун тўйи нишонланаётган Нукус шаҳри, унда амалга оширилаётган бунёдкорлик юмушлар тўғрисидаги айрим мисолларни тилга олдик, холос. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: "Мустақиллик туфайли қорақалпоқ халқи жуда кўп қадриятларни қайта тиклаш имконига эга бўлди. Адолат, тенглик ва эрк учун курашган Ерназар Олакўз, Оллаёр Дўсназаров сингари халқ қаҳрамонларининг жасоратли ва ўт юракли қорақалпоқ фарзандларининг орзу-армонлари амалга ошди". Орол бўйидаги муаззам шаҳарнинг гуллаб-яшнаётгани ана шу фикрнинг ёрқин далилидир.

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**
Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

***Ўзбекистон ғалла мустақиллигига эришди. Яқин-яқингача аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган бир неча миллион тонналик дон минг машаққатлар эвазига четдан келтирилган мамлакатда қисқа вақт ичида ҳақиқий мўъжиза юз берди. Кечагина юз минг тоннанинг нари-берисида буғдой етиштирган Ўзбек ғаллакори бугун миллион-миллион тонналик хирмон уймоқда.***

# МУСТАҚИЛ ЮРТ ҒАЛЛАСИ




Истиқлолгача пахтадан бошқа экин экилмаган далаларда бугун бепоён ғаллазорлар денгиздек мавжланиб турибди. Энди ўзбек деҳқонининг омбори донга тўла, дастурхонидан нон узилмайди. Ғаллачиликни ривожлантириш борасида ҳам Ўзбекистон бекиёс имкониятларга эга эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Ҳар гектар ердан 70-80 центнердан ошириб дон олаётган деҳқонлар йилдан-йилга кўпаймоқда. Уларнинг баъзилари ҳатто юз центнерлик маррани забт этишга ҳам муваффақ бўлмоқда. Мутахассислар эътирофича, мамлакатимизда ғалла ҳосилдорлигини ошириш, унинг маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мос, истиқболли навларини яратиш борасида олиб борилаётган изланишлар келажакда янгидан-янги натижалар бериши шубҳасиз.

Ҳаётда оддий бир янгиликдан тортиб оламшумул ғояларнинг пайдо бўлиши ва амалга ошиши енгил кечмайди. Шу маънода, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бошланган ғалла мустақиллигига эришиш сиёсати ҳам осонликча амалга ошгани йўқ. Зотан, бундай кенг қамровли саъй-ҳаракатларни муваффақиятли якунлаш оддий деҳқондан тортиб мутахассислар, раҳбарлардан ҳам жуда катта масъулият талаб этар эди.

Энг асосийси, ғалла мустақиллигига эришиш Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига ҳам бевосита дахлдор эди. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёти мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб «Мустақил юрт ғалласи» деб номланган янги китобни нашрдан чиқарди. Китобда истиқлолимизнинг боқийлиги, юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган инсонларнинг мураккаб шароитда ғаллачиликни ривожлантириш соҳасида амалга оширган ишлари, бу йўлда дуч келинган қийинчилик ва муаммолар қай тарзда бартараф этилгани хусусида ҳикоя қилинади. Ғалла етиштириш салмоғининг йилдан-йилга ошиб бориши, ҳосилдорликнинг ўсиш омиллари таҳлил қилинади. Деҳқонлар ва мутахассисларнинг эришилган ютуқлар ҳақидаги фикрлари қаламга олинади.

Очиғи, истиқлол йилларида мамлакатимизда дон мустақиллигига эришиш йўлида амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар ҳақида ихчам бир китобда батафсил ҳикоя қилиш мушкул. Бу мавзуда яна кўплаб китоблар битилиши, шубҳасиз. Чунки ўзбекнинг ўз донига, ўз нонига эга бўлиши истиқлол йилларида қўлга киритилган энг улкан ютуқлардан бири сифатида ҳам теран мазмун-маъно касб этади.

**(ЎзА)**

# ЎЗБЕКЛАРНИ СИЗ УЧУН ЯХШИ КЎРАМАН

ЭЗГУЛИК

***-"Салом, мен учун дунёда энг азиз бўлган ойижоним, Сизни жуда-жуда соғиндим. Айниқса, Сиз тандирда меҳрингизни қўшиб ёпиб берган ўзбек нонларини соғиндим. Агар Сиз бўлмаганингизда менинг тақдирим келажаги нима бўлар эди, билмадим. Фақат Сиз менинг қисматимни ўзгартирдингиз. Мендек етим болага оналик меҳрини бериб, бахтли келажагимга замин яратдингиз. Бугун ўзим отаман, фарзандни тарбиялаш нақадар масъулиятли ва мураккаб эканлигини ўзим ҳис қилмоқдаман.***

Сиз эса ўзингизнинг 5 та фарзандингиз бўла туриб, менга ўхшаган қанчадан-қанча етим болаларнинг бошини силаб, ўз тарбиянгизга олдингиз. Мен Сиз туфайли Ўзбекистонни, бутун ўзбек халқини жуда-жуда яхши кўраман...

**Ўғлингиз Сергей Шопавидин,**
**Россия, Москва вилояти**".

Дилбар опа юрак меҳри билан битилган бундай мактубларни тез-тез олиб туради.

Баъзи davраларда кишилар ўртасида меҳр-оқибат каби фазилатлар йўқолиб бораётир, деган андуҳли шикоятларни эшитиб қоламиз.

Лекин Дилбар опанинг қилган ишларини эшитиб, бу аёл билан суҳбатлашгач, шундай инсонлар бор экан, бу дунёда меҳр-оқибат, саховат ҳеч қачон йўқолмаслигига амин бўласиз.

Дилбар Тожиевани оҳангаронликларнинг барчаси жуда яхши билишади. Опа ишлаб чиқариш илғори, қаҳрамон ҳам ёки машҳур тадбиркор, фермер ҳам эмас. Оддий аёл. Кўплаб етим болаларни бағрига олиб, ўз уйида тарбиялаб вояга етказганлиги, меҳр ва саховат кўрсатганлиги учун эл орасида таниқли, номи ҳурмат билан тилга олинади.

**(Давоми 2-бетда)**

ҚОНУН ВА ИЖРО

# ТАРБИЯ ТАЪСИРЛИ БЎЛСИН

***Бола улғайгани сари дунёқараши кенгайиб, атроф-муҳитдаги яхши-ёмон ҳолатларга нисбатан муносабати шакллана бошлайди.***

У айниқса, 12-16 ёшларда ҳар нарсага жуда қизиқувчан ҳислатли бўлади. Шу даврда ота-она, мактабдаги мураббийлар озгина эътиборсизлик қилса, ўсмир кўнгли тусаган томонга йўрғалаб кетиши ҳеч гапмас. Кейин уни ортга қайтариш анча мушкул кечади.

Кўринадики, шу ёшдаги болалар тарбияси анча жиддий. Шу боис ўсмирлар тарбияси алоҳида эътиборни талаб қилишини назарда тутиб, уч йил аввал ҳукуматимиз "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида" қарор қабул қилган эди. Бу ҳужжат туман ҳокимликлари қошида фаолият кўрсатаётган шундай комиссиялар билан биргаликда, жойлардаги таълим тизими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг минтақавий филиаллари ва етакчи мутахассислари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда ички ишлар бўлимларининг ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Аммо... масъулият "айтилди, буюрилди, бажарамиз, хўп", дегани эмас, аксинча, масалага виждонан, жавобгарликни чуқур ҳис этган ҳолда ёндашишни билдиради. Зафаробод туманида қарийб 38 минг аҳолининг 1700 нафарга яқинини вояга етмаганлар ташкил этади. Туманда вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида турли бадиий ва спорт тўгараклари ташкил этилган.

**(Давоми 2-бетда)**

# ЕРНИНГ ЭГАСИ КИМ?

БЕШИНЧИ ҚАВАТДА БЕШ ДАҚИҚА СУҲБАТ

**Бугунги суҳбатдошимиз Ер ресурслари давлат қўмитаси раиси Эргашали ҚУРБОНОВ**

***-Эргашали ака, "Қишлоқ ҳаёти" газетаси билан елкама-елка, ҳамнафас бўлиб ишлаётганингиздан хурсандмиз. Таҳририятимизга хуш келибсиз!***

-Хушвақт бўлинг.

**-Аввало, анъанамизга кўра "беш" рақамига муносабатингиз...**

-Беш рақами... Жуда кўп нарсалар меъёрини ўлчайдиган, белгилайдиган рақам. Буни омад келтирадиган рақам десак ҳам бўлади. Бу рақам ҳақида гап кетганда, энг аввало муҳтарам Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодига ўтишнинг беш тамойили ёдимга тушади. Қолаверса, бизнинг қўмитамиз ташкил топганига ҳам роппа-роса беш йил бўлди. Ва яна... Севимли газетамиз "Қишлоқ ҳаёти"нинг айнан бешинчи қаватда жойлашиши ҳам бежиз эмасдек...

**-Инсон учун нон азиз. Лекин ундан ҳам инсон азиз. Шу азиз мавжудотни елкасида кўтариб турадиган она заминимиз мўътабар. Сиз раҳбарлик қилаётган қўмита фаолияти ер билан, муқаддас заминимиз тақдири билан бевосита боғлиқ. Айтинг-чи, ер ҳақида ўйлаганда қалбингизда қандай туйғулар кечади?**

-Очиғини айтганда, еримизнинг ҳозирги аҳволи мақтангулик даражада эмас. Кузатишлар она заминимиз ҳолати тобора ёмонлашиб бораётганини кўрсатяпти. Бунинг албатта ўзига хос сабаблари бор. Собиқ иттифоқ даврида ернинг тупроқ, иқлим шароитини ҳисобга олмасдан ҳаддан зиёд ўзлаштиришга зўр берилди. Ваҳоланки, ер бўлгандан кейин унинг яйлови ҳам, дашт-чўли ҳам бўлиши керак. Охир-оқибат ерга нотўғри муносабат Орол муаммосини келтириб чиқарди.

**(Давоми 3-бетда)**

ИНСОН ЎЗИНГ!

# ЭРГАШ ПАЛАК

***Сайдато маҳалласида тўйлар турли ҳангомаларга бой ўтади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Худойқул бойнинг кенг ҳовлиси ёшу яланг, хотину халаж билан лиқ тўлган.***

Қизиқчи-ю раққосалар, қўшиқчию созандалар ўз ҳунарларини намойиш этишди. Базм кун пешиндан оққан пайтгача давом этди.

-Энди навбат курашга! – деди хабарчи тўйнинг охирроғида.

Давра кенг олинди. Номдору ҳали номи чиқмаган белбоғ усталари гуруҳ-гуруҳ бўлиб майдондан жой олдилар. Кураш қизигандан қизиди. Солим катта эди. Бир пайт басавлат, қоматдор Эргаш деганлари майдонга чиқди. У белбоғини бир елкасига ташлаб, гўштдор оёқларини лорсиллатиб давра ўртасига келди.

Воқеани кузатиб турган Комил қизиқ дарров тушунди: бу одам курашгир эмас, мижози анойироқ эканлиги билиниб турибди. Унинг майдонга ҳавас билан чиққанлигини сезди ва ўзи ҳам ўртага тушганини билмай қолди.

Атрофдаги ғала-ғовур қаҳқаҳа билан алмашди. Негаки, Комил қизиқ нозиккина гавдали одам эди. У Эргашнинг олдида кичкина боладек кўриниб қолди. Кимдир ҳайратда, кимдир кулгидан ўзини тутолмайди.

-Ё тавба, рақиби кичкина Комилни мажақлаб ташлайдия? Наҳотки, улар кураш тушса, - деган андишали сўзлар ҳам эшитилиб қоларди.

-Комил, эсинг жойидами ўзи, шу девдай одам билан майдонга тушасанми-а? – дея уни четга тортишди оқсоқоллар.

**(Давоми 4-бетда)**

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ҚИШЛОҚ АЁЛИНИНГ ҚЎЛЛАРИ

МУВАШШАҲ

МАОШ НЕГА ВАҚТИДА БЕРИЛМАЯПТИ?




## УМРГУЗАРОНЛИКНИНГ НОЗИК ЖОЙИ

***Риштонда уста Фозил деган машҳур темирчи бўлиб, сувчилар катта кетмонни, иморатсозлар пойтешани, отбоқарлар жодини, қассоблар катта "буқа" пичоқни, йигитлар тут новдаларини кесиш учун доскаллани фақат унга ясаттирар эдилар.***

Уста Фозил темирчиликдан ташқари зўр чархчилиги билан ҳам донг таратганди. Қумлари майда ва қаттиқ думалоқ чархтошларни Қўқондан ёки Фарғонадан ўзи олиб келар, бу ишни бировга ҳеч қачон ишонмасди.

Бир куни уста Риштоннинг энг чапдаст қассоби Эргаш Сангилнинг ўзи ясаб берган "буқа" пичоғини чархлаётганди. Мен чарх тасмаларини тортиб унга ёрдам берардим. Устахонага ўзининг жанжалкашлиги билан бутун маҳаллага отнинг қашқасидек маълум бўлган йигит кетмонини кўтариб, шошилганича кириб келди.

-Уста, ҳозироқ мана шу кетмонни чархлаб берсангиз, ерга урсам осмонга сапчийди, ўтмас бўлиб кетибди, - деди чархнинг олдига бориб.

Уста чархлаётган пичоғини тошдан сал кўтариб, йигитдан сўради:

-Кетмонингни пешлаб берайми, ё чархлаб берайми?

-Чархлаб беринг дедим-ку, сизга, худди Эргаш Сангилнинг пичоғидай ўткир бўлсин, - тутоқа бошлади йигит.

Уста йигитга бир дам қараб туриб, унинг қўлидаги кетмонни олди, дастасини уриб чиқарди-да, кетмонни чархлай бошлади. Кейин уни қайтадан дасталаб ҳам берди. Йигит кетди. Уста кетмондан кейин ғадир-будир бўлиб қолган чархтошни индамайгина жойидан ечиб олиб, ахлат челакка ташлади. Ичкарига кириб, янгисини олиб чиқди ва чархга ўрнатди.

-Кетмоннинг бети едирилса, оловга солиб қиздирилади ва кейин сандонда пешланади. Бети қайтган бўлса, болға билан уриб тўғриланади, лекин асло чархланмайди, - ўзига-ўзи гапиргандай бўлди уста.

-Нега чархладингиз бўлмаса, йигитга шу гапларингизни айтиб тушунтирсангиз бўлмасмиди, уста бува, - дейман ҳайрон бўлиб.

-Важоҳатини кўриб турибсан-ку. Ўша вазиятда бир нима дейиш бефойда эди. Машойихлар "Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга", деб бекорга айтишмаган-ку, ахир, - деди уста ва секингина қўшиб қўйди: - Ҳар бир кишига ўзига мослаб муомала қилмаса бўлмайди. Умргузаронликнинг энг нозик жойи худди шунда, болам. Қани, чархни торт, қассоб буванг ҳам кутиб қолди.

**Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ**

## "ҚАРИНДОШЛАР"

***Қамчиқ довонининг энг баланд нуқтасида автоҳалокат юз берди: тезликни белгиланганидан икки баробар ошириб юборган "Нексия" эгасининг қамчинидан қўрқиб шаталоқ отганча катта йўлга чиқиб кетган ҳангини уриб юборди.***

Зум ўтмай воқеа жойини текин томоша ишқибозлари ўраб олишди. Кимдир эшакка ачинган, яна ким ҳайдовчини айблаган, бошқа биров эса шунчаки томошабин. Секин-аста тўпланган оломон йўлни тўсиб, автомобиллар қатновига халақит бера бошлади. Одатдагидек, фалокат содир бўлганидан ўн дақиқа ўтар-ўтмас "ғизиллаб" етиб келган йўл-патруль ходимлари халойиқни тарқатиб, қатнов йўлини очишга уввало уринишади, қани энди одамларни тарқатиб бўлса... Борган сари бекорчи томошабинларнинг сафи ортиб борарди. Қаттиқ гапириб ҳам кўришди, ялинишдиям, фойдаси йўқ. Биров кетай демайди. Ҳамма ўлган эшакнинг тепасига тўпланиб олган, энди уни қандай қилиб йўл четига чиқариб ташлашни маслаҳат қилишаётир.

-Четга чиқ, дейман, шпана, олифта, чиқ четга, машиналарга ҳалақит берма... – томоғи йиртилгудек қичқиради лейтенант йигит оломонга қараб. - Ўт дейман, паразит, ўв, қани кўтарларинг эшакни...

Шу аллпозда қичқириб турган милиционер йигитнинг ёнига Марғилон дўппини қийшиқ қўндириб олган бир қитмирроқ йигит яқинлашди.

-Ҳа, акалар, тарқатишга қарашворайми?

-Буларга калтакдан бошқаси таъсир қилмайди, - асабий қичқирди бояги лейтенант. – Тўғри гапни тушунишмайди-я...

Йигит индамай унинг қўлидан мегафонни олди ва оғзига тутди.

-Диққат! Жимлик сақлансин!

Ола-ғовур тинчиди. Ҳамма йигитнинг оғзига термилди.

-Одамлар! Йўлни бўшатиб қўйишларингни сўрайман, илтимос, бу ерда фақатгина эшакнинг энг яқин қариндошлари қолсин...

Биров кулди, биров сўкинди, лекин кўп ўтмай фалокат юз берган жойда биргина ўлган эшаку тўрт нафар ДАН ходими қолди холос...

## «ГУГУРТНИ ТАШЛАБ КЕТСИН»

***Ҳар кимнинг ўзига хос "хобби"си бўлади. Биров китоб ўқишни ёқтирса, кимдир кўп овқатланишни ўзи учун энг лаззатли иш, деб ҳисоблайди. Яна бошқаси шишага "муҳаббат қўяди". Ишхонамиздаги Фахриддин ака эса иш айни қизиган паллада бир чекиб олмаса хумордан чиқмайди. Бу унга "хобби" бўлиб қолган.***

Яқинда қизиқ воқеа бўлди. Фахриддин аканинг роса чеккиси келибди-ю, бироқ ҳеч кимда гугурт топилмабди. Вақт ярим тунга яқинлашиб қолган, бундай пайтда гугурт топиш анча мушкул иш... Фахриддин ака уёққа чиқади- буёққа чиқади, ҳеч кимда гугурт йўқ. Охири айрича умид билан бизнинг хонага бош суқди.

-Қара-чи, Мақсуд "ёндиргалка"сини ташлаб кетган бўлиши керак, - деди у менга илинж билан.

-Йўқ, - дедим Мақсуд аканинг «бойликларини» кўздан кечириб чиққач. – Лекин сигаретини қолдириб кетибди, ҳойнаҳой унутиб қўйган-ов...

-Буёққа ол... – деди Фахриддин ака ва қутининг ичидан бир дона сигарет олди. – Ма, жойига қўйиб қўй... Тўхта! Яна битта обер, паст кетмайлик... Ҳа, Мақсудга айтиб қўй, кейинги сафар гугуртини ташлаб кетсин, йўқса "штраф" бундан кўра каттароқ бўлади...

Шундай деди-ю, иккита сигаретни чўнтагига солиб хонадан чиқди.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**

## ХОТИНИНИНГ ШИППАГИ

***Тумандаги ширкат хўжаликларидан бирида раис муовини вазифасида ишловчи Акромжон исмли танишимиз бор. Ўзи жуда хушчақчақ, сўзга, латифага уста, меҳмонни яхши кўрадиган, дилкаш инсон...***

Нима бўлибди-ю бир куни унинг уйига институтда бирга ўқиган курсдоши меҳмондорчиликка келибди. Акромжон раисдан бир амаллаб бир кунга жавоб сўрабди-ю, ошнасини роса меҳмон қилибди. Баҳонада икки-уч шиша ароқни бўшатишибди. Бирга ўқиган пайтлари, талабаликнинг унутилмас онларини яна бир карра эслашибди. Хуллас, кўпдан буён яйрамаган икки дўст роса маза қилибди.

Эртасига тонг саҳар дўстини кузатган Акромжон ишга чиқиш ўрнига пинакка кетибди. Ҳаял ўтмай оқ "Волга"да ҳайдовчи келиб, муовинни уйғотибди. Раис сўраётганини айтиб, тезда боришини тайинлабди. Акромжон ноилож апил-тапил ювиниб, шоша-пиша кийинганича идора томон жўнабди. Борса, раис ва бир гуруҳ хўжалик фаоллари идора ҳовлисида ниманидир маслаҳатлашаётган экан. Улар Акромжонни кўрибди-ю, хандон отиб кулиб юборишибди. У нима гаплигини тушунмай ерга қарабди...

Маълум бўлишича, муовин ишга шошганидан аёлининг шиппагини оёғига илиб келаверган экан... Ана шу воқеа сабаб Акромжон шу-шу спиртли ичимликни оғзига олмайдиган бўлибди.

**Бахтиёр ТУРДАЛИЕВ**

# ТАРБИЯ ТАЪСИРЛИ БЎЛСИН

(Боши 1-бетда)

Айниқса, болалар спортини ривожлантириш, ўсмирларни спортга жалб қилиш мақсадида ҳокимлик ҳузуридаги комиссия туман прокуратураси билан ҳамкорликда кураш, кикбоксинг, футбол, баскетбол, шоҳмот, бокс тўгараклари ва клублари ташкил этган. Биргина болалар ва ўсмирлар спорт мактабида шундай секцияларга 600 нафардан зиёд ўқувчилар жалб қилинди.

Шунингдек, жорий йилнинг биринчи ярмида туман меҳнат бўлими 2 марта меҳнат ярмаркасини ўтказиб, 12 нафар вояга етмаган ёшларни иш билан таъминлаган.

Бироқ, таъкидлаш ўринлики, бу борада олиб борилаётган ишларни кенг кўламли, деб бўлмайди. Масалан, комиссиянинг шу йилнинг июн ойида ўтказган йиғилиши қарорлари ижроси тўлиқ бажарилмаган. Режалар ва қарорлар ижросини бажариш аксарият ҳолларда якка масъул котиб зиммасига юклатилиб, комиссия аъзоларининг фаолияти эса фақат йиғилишларда қатнашишдан иборатлигича қолмоқда.

Туманда 9-синфни битирган, аммо на ўқиш, на бошқа фойдали иш билан машғул бўлган 17 нафар ўспиринни рўйхатга олиш туман меҳнат бўлимининг эътиборидан четда қолган. Давлат ёрдамига муҳтож бўлган 178 нафар ногирон болалардан бор-йўғи 24 нафарига кўмак берилди, холос. Халқ таълими бўлими томонидан пуллик тўгараклар ташкил этилмаган. Мавжуд барча умумтаълим мактабларидаги тиббий хоналар номигагина, дори-дармон билан таъминланмаган. Туман қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида ҳокимлик қошидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг 5 йилга мўлжалланган дастури мавжуд бўлсада, шу ҳужжат асосида 2002-2003 ўқув йилида бирорта амалий-назарий иш қилинмаган.

-Камчиликларни тугатиш борасида прокуратура, суд, ҳокимликнинг тегишли бўлимлари билан ҳамкорликда тадбирлар белгиладик, - дейди комиссия раиси Норбой Очилов. – Бундан кейин лоқайдликни шиддаткор давримиз кечирмайди. Ўн чандон ишламасак бўлмайди, шекилли.

Бекор юрган ўсмирлар сонининг ўсиб бориши кишини хавотирга солади. Бувайда туманида саноат корхоналари ҳисобланган "Бувайда" ҳиссадорлик жамияти, тикув-трикотаж фабрикаси, Янгиқўрғон гилам фабрикасининг айни пайтда фаолият кўрсатмаётгани туман меҳнат бўлимига мурожаат қилаётган юзлаб вояга етмаган ёшларни иш билан таъминлаш имконини бермаяпти. Натижада, пул топиш илинжида айрим ўсмирлар ноқонуний ҳаракатларни содир этишмоқда.

-Масалан, 2-сонли умумтаълим мактабимиз ўқувчиси, вояга етмаган Шаҳноза исмли қиз Қўқондаги бозорда ноқонуний равишда дори-дармон сотиш билан шуғулланиб келган. Қўқон солиқ инспекциясининг шу тўғридаги хатини олдик ва комиссия йиғинида муҳокама этдик, - дейди туман ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби Шарофатхон Ёқубова. – Унда туман прокурори ҳам иштирок этди. Қизалоқ ҳам, онаси Анорахон Яхшибоева ҳам жуда изза бўлишди. Оқибатда онага 2268 сўм миқдорида жарима солинди.

-Жорий йилнинг биринчи ярмида 11 та маъмурий ишларни муҳокама этдик, - дейди комиссия раиси, туман ҳокими Б.Тўрақулов. – Шундан 6 та ишда ота-оналарга Ўзбекистон Республикаси МЖТКсининг 47-моддаси билан чора қўлладик. Бундай қатъиятлик билан ота-оналар масъулиятини оширмасак бўлмайди. Ота-она ўз фарзанди учун аввало ўзлари жавобгарлигини сезишсин.

Вояга етмаган ёшларнинг ишсиз юриши гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, жиноятчилик сингари иллатларни етаклаб келади. Касални даволагандан кўра, олдини олган маъқул. Демак, масъулият ҳаммага бирдек юкдир. Ёшларни соғлом ва баркамол вояга етишларига нафақат ота-она ёки махсус комиссия, балки жамоатчилик, жойлардаги тегишли идоралар, айниқса, маҳаллалар баббаробар жавобгардир. Тарбия орқали болаларнинг қалбига энг яхши фазилатларни сингдирсак, улар ҳақиқий истиқлол фарзандлари бўлиб вояга етишлари ва Ўзбекистоннинг порлоқ келажагини яратишга ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин.

**Мақсуд АКРАМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ТАНАСИ БОШҚА ДАРД БИЛМАС

***Бир пайтлар қурилиши бошлангану чала қолиб кетган Пешку туманидаги "Туркистон" ширкат хўжалигининг "Захкаш" қишлоғида янги мактаб биноси ҳашар йўли билан тикланди. Тумандаги "Пахтаобод" ширкат хўжалигининг Декдавон қишлоғида эса 160 ўринли мактаб биноси жажжи болажонларни ўз бағрига олди.***

Бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган хоналарда барча қулайликлар муҳайё этилган. Мабодо, Ш.Эргашев номли ширкат хўжалиги томон йўлингиз тушса, бу ерда ҳам замонавий мактаб биноси қад ростлаганини кўрасиз.

Бухорода авария ҳолатидаги мактаблар йўқ эмас, бор. Бундан Вобкент тумани мустасно. Туман мактабларининг 90 фоизи замонавий биноларда жойлашган. Хўш, шу мактабларнинг жиҳозланиши-чи? Тумандаги 9 та умумтаълим мактабида компьютер техникаси йўқ. Мавжуд 24 та синф комплект компьютерининг 16 таси талабга жавоб бермайди, маънан эскирган. Хўжакўрсинга қўйилган бу жиҳозлардан не наф? Ўйлаб ўйингга етолмайсан киши.

**ТААССУФ**

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилаётган мактаблар куни тадбири жараёнида шифокорлар ғалати бир ҳолга дуч келдилар. Маълум бўлишича, вобкентлик мактаб ўқувчиларининг 74,7 фоизи камқонлик дардига дучор бўлган. Туманда оз эмас, кўп эмас 24 минг 959 нафар ўқувчи таълим олаётгани инобатга олинса, масала моҳияти янада ойдинлашади. Таҳлиллар мактаб ўқувчилари ўртасида қалқонсимон без касаллиги улуши ҳам ошиб бораётганини кўрсатаяпти. Педиатр-ҳакимларнинг камлиги, шифокор иш ўринлари молиялаштирилмагани вазиятни тағинда чигаллаштирмоқда.

Тўғри, вазиятни ўнглаш учун мактаблар куни дастурига мувофиқ, 37 та қишлоқ мактабига бир гектардан экин ери ажратиш кўзда тутилган. Мақсад шу ерда етиштирилган ҳосил ҳисобидан кам таъминланган оилалар фарзандларига бепул нонушта беришни йўлга қўйишдир. Аммо алдагани бола яхши, деганларича бор. 33 та мактабга 1 гектар ўрнига хўжаликлар буғдой бериш ёки ҳисоб рақамларига пул ўтказишни ваъда қилишди. Ваъда билан қорин тўярмиди?

Баъзан болаларимиз ожиз, нимжон, деган гап-сўзлар қулоққа чалинади. Бўлса бордир. Аммо давлат томонидан ажратилган маблағ болажонларнинг олдига тўйимли, калорияли овқат бўлиб бормаётган ҳоллар ҳам учрайди. Масалан, Жондор туман халқ таълими бўлимига қарашли болалар боғчалари озиқ-овқатидан 8300,0 минг сўм фойдаланилмай қолди. Ёвғон шўрва ичган болажонларнинг ҳақи қаерга кетди, деб ҳайрон бўлманг. Туман халқ таълими бўлими мудири (эндиликда собиқ) А.Шодиев бу маблағга қулинг ўргилсин "Матиз" русумли хизмат автомашинаси сотиб олди. "Боғча болалари ризқидан тежалган пулга хизмат автомашинаси харид қилса қилибди-да" дейишингиз мумкин. Балки мумкиндир. Бироқ бу маблағ кредитор қарзларни тўлашга, афтодаҳол мактабларни таъмирлашга сарфланса дуруст бўлмасмиди, деган ўйга борасан, киши.

...Боласи касал бўлса она тун бўйи киприк қоқмайди. Отанинг кўнглига қил сиғмайди. Бутун бошли туманда болаларнинг турли хасталикларга чалинаётганини кўриб, билиб турган мутасаддиларга балли. Қилт этишмайди. Бу ҳам оздек, ёлғонни дўндиришади. Эҳтимол, танаси бошқа дард билмас, деганлари шудир...

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**







**Қуйи Чирчиқ туманида кейинги пайтда иқтисодни ривожлантиришга эътибор кучайтирилмоқда. Бу қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кенгайтириш, йўлларни созлаш имконини бераяпти. Тадбиркорлар томонидан савдо расталарининг барпо этилганлиги хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтирди. Ушбу суратларда яқинда туман маркази Дўстободда замонавий меъморчилик услубида қурилган деҳқон бозоридан лавҳалар акс эттирилган.**

Дониёр КАМОЛОВ олган суратлар.

**ҚИСҚА САТРЛАРДА**

## ТОЗА СУВ КЕЛДИ

Яқинда ховосликлар учун "Ховосиншооттаъмир" қурувчилари 2,5 километр масофалик ичимлик сув тармоғини фойдаланишга топширишди. Натижада Ховоснинг "Чаманзор", "Истиқлол" маҳаллаларида истиқомат қилувчи 7,5 минг аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ**

## ОБОДЛИК ЙЎЛИДА

Қува туманидаги Охунбобоев ширкат хўжалиги ҳудудидаги Қайирмада қишлоғида врачлик амбулаторияси, касб-ҳунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди.

**Б.ХОЛМАТОВ**

**ЙИҒИЛИШ**

## МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛАДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 24 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорида соҳада мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида пахтачиликни ривожлантириш, ғаллачиликни ривожлантириш, сабзавот-полиз экинлари, мева ва узумчиликни ривожлантириш ҳамда уларни комплекс қайта ишлаш, чорвачиликни ривожлантириш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ирригацияни ривожлантириш ва ер унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва кимёлаштириш Кенгашларини тузиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланган эди.***

Ана шу ҳужжатларда Кенгашларнинг аниқ мақсад ва вазифалари ҳам белгилаб берилган эди. Кенгашларнинг асосий вазифаси тегишли тармоқларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида 6 та Кенгашнинг ташкилий масалаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков иштирок этди.

Йиғилишда таъкидланганидек, Кенгашларнинг аъзолигига Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан жамоатчилик асосида 90 нафар етакчи мутахассис, шу жумладан, 30 нафар олим танлаб олинди. Кенгашларнинг раислари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳайъатининг аъзолари ҳисобланадилар. Кенгашларнинг барча тавсиялари ҳужжатларда белгиланганидек, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳайъатининг мажлисларида муҳокама этилиши лозим ва унинг қарорлари ижро этиш учун мажбурий ҳисобланади.

**Соҳибжон АКРАМОВ,**
**Шавкат ОРТИҚОВ.**

# ЎЗБЕКЛАРНИ СИЗ УЧУН ЯХШИ КЎРАМАН

(Боши 1-бетда)

Сир эмас, бозор иқтисодиёти шароитида баъзилар турмуш ташвишларидан нолиб қолишади. Рўзғор тебратиш қийин бўлаётир, болаларни боқиш мушкул ва ҳоказо.

Яқинда таҳририятимизга бир кекса аёл келиб шикоят ариза ташлаб кетди. Унда ёзилишича, учта фарзанди унинг ҳолидан хабар олмай, умуман ёрдам бермай қўйишибди. Газетада улар ҳақида ёзиб, шарманда қилишликни сўрабди.

Ё алҳазар. Озгина турмуш қийинчиликлари туфайли она ўз жигарбандларидан норизо бўлса.

Мен Дилбар опа билан суҳбатлашганимда илк саволим қанча маош олиши бўлди. Энг кам иш ҳақидан икки баравар миқдорда иш ҳақи олар экан.

Қўшимча даромад манбаи эса тадбиркорлик, яъни уйида турли таомлар пишириб сотиш орқали рўзғорнинг кам-кўстини бутлар экан.

-Ота-онасидан етим қолган ёки кўчада қаровсиз дайдиб юрган болаларни ўз қарамоғингизга олишга нима мажбур қилди,- деймиз опага.

-Бир куни туман ички ишлар бўлимига чақириб қолишди, - дейди Дилбар опа. – Борсам иккита кўчада юрган дайди болаларни ушлаб келишган экан. Уларни Янгийўлдаги қаровсиз болаларни қабул қиладиган муассасага юборишмоқчи бўлишибди. Мен эса Оҳангарон шаҳар болалар жамғармасининг раиси сифатида улар ёзган далолатномага имзо чекишим керак. Менинг эса болаларни кўриб кўнглим бўшашиб, кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Ўшанда кеч куз эди. Болалар ниҳоятда юпун, увада кийимда, кир-чир, озиб кетган. Агар менинг ўрнимда бошқа аёл – она бўлганда ҳам уларнинг бу забун аҳволини кўриб кўнгли вайрон бўлиши аниқ.

Мен болалар билан суҳбатлашдим. Улар ота-оналари кимлигини ҳам билишмас экан. Бир неча бор ўзлари тарбияланаётган болалар уйидан қочиб кетишибди. Лекин ҳар сафар улар қўлга тушиб, яна ўз жойларига қайтарилибди.

Шунда менда бир фикр туғилди. Балким болалар уйида тарбияланувчилар учун кўнгилдагидек шарт-шароит йўқдир. Ота-онанинг иссиқ тафти ёки шунга яқин меҳр-муҳаббатни кўришолмаётгандир. Уларни ўзим қарамоғимга олиб, оилам аъзолари сафидан жой берсам.

Ниҳоят шундай қилдим. Зарур ҳужжатларни расмийлаштириб, болаларни ўз уйимга олиб кетдим.

Тўғриси, аввалига меннинг ҳам , болаларнинг ҳам бир-биримизга кўникиб кетишимиз, тил топишишимиз қийин бўлди. Баъзан шу ишни бекор қилдим, деб афсусланган вақтим ҳам бўлди.

Лекин ҳамма гап меҳрни чин дилдан кўрсата билишда экан. Равшан билан Рустам (тарбиямга олган болалар)га ўз болаларимга кўрсатган меҳримдан-да кўпроқ оналик меҳрини бердим. Тезда улар ҳам мени ўз туққан оналаридек кўра бошлашди.

Бошида уларни уй шароитига ўргатиш жуда қийин бўлди. Биласизми, дастурхон тўла емак, лекин улар етарли таом ейишса ҳам, тўйдим дейишмасди, яъни тўйганини билишмасди. Бу ҳам етмагандек, дастурхондаги нон бурдасиними ёки меваларни олиб чўнтакларига тиқишар, олган нарсаларини эса ёстиқларининг тагига қўйиб ётишарди. Уларнинг бу ёмон одатларини зўрға ташлатдим. Аввалига истаган вақтларинг овқат ейишларинг мумкин, деб обдон тушунтирдим. Ҳатто ётоқхоналарига ҳар хил егуликларни қўйиб қўядиган бўлдим. Шундан кейингина улар керак вақтида меъёр даражасида овқатланадиган бўлишди.

Ҳа, Дилбар кейинчалик яна 16 та болани ўз қарамоғига олди. Уларни оқ ювиб оқ таради, оналик меҳрини берди.

Болалар уйида тарбияланган етимчалар билан Дилбар опа боқиб олган болаларнинг тарбиясида, маънавиятида, дунёқарашида кескин фарқ бор. Оила шароитида тарбияланган болаларда руҳий изтироблар кам бўлади, улар ҳам ўзларини шу оиланинг бир аъзоси сифатида ҳис этишиб, жамиятда ўзларининг муносиб ўринларини топишга ҳаракат қиладилар ва ҳар бири алоҳида шахс сифатида шаклланади.

Болалар уйида эса бунинг акси. Яъни бир вақтда бирга овқатланиш, бир вақтда ётиш, бир хил ўйин ўйнаш, ҳаммага бир хил ўгит-маслаҳат. Булар болада индивидуал характер шаклланишига тўсиқ бўлади. Шу жиҳатдан Дилбар опанинг қилган олижаноб инсонпарварлиги алоҳида таҳсинга лойиқ. Чунки 18 та болани жамиятнинг ҳар томонлама мукаммал, тўкис аъзоси қилиб тарбиялади.

Шу ўринда яна бир мактубни ҳукмингизга ҳавола қиламиз:

"...Онажон, мен бугун яна бир карра Сизга тан бердим. Биз етимларни нафақат кийинтириб, балким бизларнинг ҳар биримизга турли касбларни ўргатдингиз. Ҳар куни эрим мен тайёрлаган турли-туман ўзбек таомларини мақтаб-мақтаб тановул қилади ва шуларни сенга ўргатган инсоннинг қўли дард кўрмасин, деб дуо қилади. Ҳа онажон, Сиз бизга жуда кўп нарсани ўргатдингиз. Ўргатганларингиз эса ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизга, турли қийинчиликларни муаммосиз енгиб ўтишимизга қўл келаётир...

**Салом билан қизингиз Гулида, Олмаота".**

Опанинг болаларни ўз қарамоғига олганига ҳамма ҳам яхши кўз билан қарамади. Баъзи ғаразгўйлар гўё опа болаларни эксплуатация қилиш учун олган, деган сўзларни ҳам тарқатишди.

Аслида воқеа бундай бўлган. Болалар катта бўлиб, қўлидан иш келиб қолгач опа уйларига яқин жойдан ошхона очади. Бу ошхонада эса бутун оила аъзолари биргаликда хизмат қилишади. Ахир бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак деганларидек, болаларнинг усти-боши, рўзғор учун ҳамда вояга етганларини уйли-жойли қилиш учун маблағ керак. Агар ўзлари ҳаракат қилмаса, ким ҳам бир сўм пул берарди.

-Мен ўзимнинг болаларимни ҳам, тарбияга олганларимни ҳам ўша ошхонада ишлатдим, - дейди опа. – Лекин уларнинг ҳар бирига меҳнатига яраша маош белгиладим. Улар аваламбор ўша ерда пазандалик касбини ўрганишди. Қолаверса, ҳалол меҳнат билан топилган даромаднинг қадрига етишни билишди. Умуман уларни ўз меҳнати билан ҳалол яшашга ўргатишга ҳаракат қилдим. Лекин баъзилар бу ишимдан кир қидира бошлашди. Етим болаларнинг меҳнатидан шахсий манфаати йўлида фойдаланишаяпти, деб иғво қила бошлашди. Саккиз ойда 12 марта комиссия келиб иш фаолиятимизни ўрганиб кетди. Болаларим менинг қилган бу ишимдан рози эканликларини таъкидлагачгина тинч қўйишди.

Дилбар опа ўзи тарбиялаган болаларнинг бештасини уйлантирди, турмушга чиқарди. Бугун у тарбиялаган болаларнинг ҳаммаси ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишган.

"Биз қаерда бўлсак ҳам Сизнинг меҳрингиздан нур олиб яшаймиз", деб ёзади ҳозирги кунда Саудия Арабистонида яшаётган Гўзал Муссаломова.

Ҳа, Дилбар опанинг саҳий қалбининг меҳр нури билан йўғрилган ва ундан баҳра олиб шаклланган болалар бугун етук инсонлар бўлишган. Улар Дилбар опа туфайли инсон меҳр-оқибатининг нималарга қодирлигини кўрдилар. Демак, орамизда шундай одамлар бор экан, дунёда эзгулик, саховат, бағрикенглик, оқибат барқарордир.

**Абдураззоқ КАРИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

